БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 1-OKTABR, SESHANBA, 118 (8199)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли дўстлар!

Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳр-оқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйлайманки, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, "Ўзбекистон – келажаги буюк давлат" деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлиғимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аёндир.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодиётимизни биз учун янги аснода – бозор муносабатлари негизида ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг кўламли ислоҳотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгича фикрлайдиган, ўзлигини, қадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз ҳақиқатан ҳам бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказаётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга – ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат айниқса илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожи учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, таълим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислоҳотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айни шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни, икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз аввало институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илғор олий ўқув юртлари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини – бу умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими – буларнинг барчасини ягона бир ғоя, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъно-мазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар – мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўлланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, беғараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

### «ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Ватанимиз келажаги, тараққиёти, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан ёш авлоднинг қай даражада камол топишига боғлиқ. Бу масъулиятли вазифани адо этишда ўқитувчилар, устоз ва мураббийларнинг хизмати беқиёс.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш устувор ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган ва бир неча йилдан буён кенг нишонланаётган 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тадбирларда бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

...30 сентябрь куни мамлакатимиз таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва мураббийлар мамлакатимизнинг бош майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган "Маърифат маркази" мажмуи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишдилар.

Шу куни "Туркистон" саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Байрам тадбирига сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, таълим соҳаси фахрийлари, илғор ўқитувчи ва мураббийлар, тарбиячилар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури, Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури мустақил ва соғлом фикрли авлодни вояга етказиш, юксак малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўлаётир.

Мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси капитал реконструкция қилиниб, тубдан таъмирланди ва ўнлаб янги мактаблар қурилди. Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

Қашқадарё Вилояти

ДИЛ СЎЗИ

## КАСБИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

**Дунёда касблар кўп. Мен ўқитувчилик касбининг шарафини, улуғлигини ўзгача англайман. Бугун умримнинг мазмунига айланган бу касб ўтган вақт давомида қанчадан-қанча қувончларни ҳадя этмади, дейсиз менга. Бугун мен ҳақли равишда ўз касбим билан «Мен — ўқитувчиман!» дея фахрланаман.**

**Ойтош АТАМУРОДОВА,**
*Ғузор туманидаги 34-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.*



Мамлакатимиз Президентининг фармонига мувофиқ бир гуруҳ таълим фидойилари қаторида менинг ҳам тақдирланганим — "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" юксак унвонига муносиб кўрилганлигимни эшитганимда дилимдан ана шундай туйғулар кечди. Қалбим чексиз қувончга тўлди, шу юрт фарзанди эканлигимдан, унинг истиқболи йўлида хизмат қилаётганимдан фахрландим, шу билан бирга, бу менга янада юксак масъулият юклашини юрак-юракдан ҳис этдим.

36 йилдан буён шу соҳада меҳнат қилиб келяпман. Айниқса, кейинги 22 йилдаги фаолиятим ўзгача бўлди. Чунки Истиқлол йилларида таълим тизимида олиб борилган кенг кўламли ислоҳотлар боис соҳада туб ўзгаришлар юз берди. Ўқитувчилик касбига бўлган муносабат ўзгарди. Соҳа ходимларининг меҳнати қадр топди. Бугунга келиб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида илғор педагогик технологиялар билан жиҳозланган замонавий таълим масканлари қад ростлади. Уларда мамлакатнинг буюк келажагини таъминлайдиган юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Илгари биз омонатгина турган мактаб биносида ўнта синиқ партадан бошқасини кўрмаган ва ўқишдан кўра кўпроқ мол боқишни, пахта чопиғини ўйлаган бўлсак, бугун фарзандларимиз онги, тафаккури ўқиш, яратиш иштиёқи билан банд. Уларга бу ёруғ кунларнинг қадрига етишни, шунга муносиб бўлишни ҳар куни, ҳар лаҳзада уқтиряпмиз.

Қаранг, биргина туманимизда ўтган қисқа вақт ичида 32 та мактаб биноси янгидан қад ростлабди. 28 та мактабда капитал реконструкция, 14 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилибди. Уларнинг барчаси компьютер ва замонавий педагогик технологиялар билан жиҳозланди.

Яна бир гап: илгари дарс ўтиш жараёнида қолипдан чиқишга йўл қўйилмасди. Энди ўқитувчида эркин мавзу танлаш имкони бор. Қолаверса, ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик тажрибалар ва усуллар кенг жорий этилди. Айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Ишлашимиз, самарали меҳнат қилишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Энг муҳими, бугун юртимизда педагог ходимлар меҳнатини баҳолаш ва рағбатлантиришнинг замонавий тизими жорий этилган. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тизимини ривожлантиришга доир бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг қабул қилиниши соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириш имконини бермоқда. Бугун таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар ва мамлакатимизнинг таълим модели дунё миқёсида ҳам юксак эътироф этилмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик йилларида Президентимизнинг соҳага қаратаётган юксак эътибори самараси деб биламан. Соҳага қаратилаётган эътибор ва яратиб берилаётган шарт-шароитлар эса биз, педагогларга катта масъулият юклайди.

Таълим соҳаси келажакнинг ҳаётбахш дарахтига ўхшайди. Шогирдларим эса ана шу улуғ дарахтнинг тотли меваларидир. Ана шундай эзгу ишларга менинг ҳам ҳиссам қўшилаётганини ҳис қилганда ўзимни бахтли инсон деб биламан. Биргина мен эмас, юртимиздаги барча маърифат аҳли бугун шундай ўйлаб, шундай яшаяпти. Кўрсатилаётган юксак эътибору эъзозга муносиб бўлиш иштиёқи эса бизни янада самарали меҳнат қилишга, баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларимиз замирида жамиятимизнинг эртаси, келажаги турганини тобора чуқурроқ ҳис этишга ундамоқда.

# БУГУН — ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

## ТАЪЗИМ СИЗГА, МЕҲРИДАРЁ УСТОЗЛАР!

(Боши 1-саҳифада)

Ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратини ошириш, самарали меҳнат қилиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган 410654 нафар ўқитувчи фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Педагоглар меҳнатини рағбатлантириш борасидаги ғамхўрлик туфайли ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги тизимидаги 3465 нафар устоз ва мураббий Ватанимизнинг юксак унвонларига, орден ва медалларига сазовор бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувончлидир.

Президентимизнинг 2013 йил 27 сентябрдаги фармонига мувофиқ бир гуруҳ ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Мактабларга ёш мутахассис кадрларни кенг жалб қилиш, уларнинг илмий-ижодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш масаласи ҳам доимий эътиборда. Жумладан, жорий йилда 7065 нафар ёш мутахассис янги ўқув йилида умумтаълим мактабларида иш бошлади.

Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга оид амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида ўқитувчиларнинг ўртача меҳнат ҳақи 2006 йил 1 сентябрга нисбатан 9 баробар оширилиб, 2013 йил 1 сентябрь ҳолатига уларнинг ўртача маоши 867276 сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори хорижий тилларни ўрганиш бўйича ёш, истеъдодли педагоглар сафини янада кенгайтириш, хорижий тилларни билиш даражасини юксалтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит ва имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг инглиз, немис, француз тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш, билим ва малакасини юксалтириш бўйича кўплаб лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Хусусан, 2013-2014 ўқув йилида чет тили ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж таҳлил этилиб, амалдаги ўқитувчиларнинг педагогик юкламаларини 1,5 ставкагача ошириш, бошқа чет тили ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга келиши ҳисобидан қоплаш чоралари кўрилди.

Давлатимиз раҳбарининг 12 номдаги ўқув қуроллари, мактаб сумкасидан иборат совғаси таркибида инглиз тилидан "Kid's english", немис тилидан "Deutsch macht spab", француз тилидан "Hirondelle" дарслик мажмуалари яратилиб, бу йил 1-синфга борган 528972 нафар ўқувчига туҳфа этилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назорати тобора оширилиб, барча умумтаълим мактабларида "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу маърифиймаънавий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" республика кўрик-танлови илғор, ташаббускор, фаол, фидойи педагогларни аниқлаш, уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Тадбирда мазкур кўрик-танловнинг жорий йилги ғолибларига диплом ва совринлар топширилди.

– Президентимизнинг биз, ўқитувчиларга кўрсатаётган улкан меҳр ва эътиборидан кўнглимиз тоғдек ўсиб, қалбимиз чексиз фахрга тўлмоқда, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби математика ва информатика фанлари ўқитувчиси Турғун Азларов. – Жаҳон аҳлининг ҳавасини тортаётган бундай кенг имтиёз ва имкониятлар, ёшлар таълим-тарбиясига қаратилаётган улкан эътибор юртимиз келажаги бўлган ёш авлод тарбияси учун масъулиятни астойдил ҳис этишга, билдирилган юксак ишончни ҳалол меҳнатимиз билан оқлашга, унга муносиб бўлишга даъват этади.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов, Ўзбекистон Қаҳрамони, Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Анора Маҳмудова, Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "Соғуний" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Эшмуҳамедова таълим фидойилари меҳнатини ардоқлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлиги учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Хоразм Вилояти

# ЯРИМ АСР ЗИЁ УЛАШИБ...

**Инсон ўз касбига садоқатли бўлса, ишидан барака топади, обрў қозонади. Болтабой Хўжаев 54 йиллик педагогик фаолияти давомида минглаб ёшларга илм-фан сирларини ўргатиб, қатор инсоний фазилатлари билан ҳамкасблари, шогирдлари қалбидан жой олган ана шундай инсонлардан.**



Бугун устознинг узоқ йиллик матонатли меҳнатлари ва инсоний фазилатлари шогирдлари камолида ўз аксини топмоқда. Хусусан, академик Саъдулла Искандаров, физика-математика фанлари доктори Аҳмаджон Юсупов, тиббиёт фанлари доктори Ибодулла Қиличев, филология фанлари доктори, шоир Сафо Очил, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Юсуфбой Худойберганов, тиббиёт фанлари номзоди Латифжон Бобожонов, тарих фанлари номзоди Шодмоной Машарипова, филология фанлари номзоди Султонмирза Раҳимов, тажрибали жарроҳ Нурилла Бекчоновлар элу юрт раҳматини эшитар экан, ўз навбатида, устозига миннатдорлик билдиради.

Айни кунларда ҳам устоз илм билан машғул. Хоразм достонлари тўпланган учта китобни араб имлосидан кирилл ёзувига ўгириб кўчираётир. "Ўқитувчи бўлиш осонми" китобини тугатиш арафасида.

Жонкуяр педагог Болтабой Хўжаевнинг узоқ йиллик меҳнатлари Истиқлол йилларида муносиб эъзоз топди. У Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси унвони билан тақдирланди. Айни кунларда 90 ёшга қадам қўйган устоз Болтабой Хўжаевнинг барча эришган ютуқларидан ибрат олса, бахтига ҳавас қилса арзийди.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Сирдарё Вилояти

*Зебо Товбоева зиёлилар оиласида ўсиб-улғайди. Онаси Дасхол Тоғаева Мирзаобод туманидаги болалар уйида тарбиячи, отаси Келдибек Тоғаев хўжаликда ҳосилот бўлиб ишларди. Онаси билан тез-тез болалар уйига бориб юрган қизалоқда муаллимликка меҳр уйғонди. Уни эзгу мақсад ва орзуси олийгоҳга етаклади.*

# ТАЪЛИМ ФАОЛИЯТИ КЎЛАМИ КЕНГ

Жиззах давлат педагогика институтининг бошланғич таълим факультетини тамомлаган Зебо Товбоева дастлаб иш фаолиятини Дўстлик туманидаги 6-умумтаълим мактабида бошлади.

— Эндигина мактабнинг биринчи синфига қадам қўйган ўқувчига билим бериш, ёзиш-чизишни ўргатиш ўқитувчидан жуда катта маҳорат, чидамни талаб этади, — дейди Зебо Товбоева. — Қайсики, ўқувчи бошланғич синфларда билимни мустаҳкам эгаллаб, ёзиш-чизиш, ҳисоблаш кўникмасига эга бўлса, юқори синфларда аъло баҳоларга ўқиб, фанларни пухта ўзлаштира олади.



Устозлар ўгитлари, тажрибаларига таянган, ўз устида тинмай изланган, фан янгиликлари ва ўқув амалиётларидан кунт билан фойдаланган Зебо Товбоева дарс машғулотларида ўқувчиларнинг фанларни чуқур ўзлаштириши, муҳими, бола эркин фикрлай олишига асосий эътиборни қаратади. Дарс машғулотларида қизиқарли ноанъанавий усуллар, савол-жавоблардан ўринли фойдаланади. Шу боис, унинг дарс ўтиш тажрибаси туман ва вилоятда кенг оммалаштирилди. Ўзи ўқиган мактабда устозлари билан ёнма-ён ишлаш муаллимага янада катта масъулият юклади. Мактабда дарс машғулотлари самарадорлигини ошириш баробарида фан ва спорт тўгаракларида мунтазамликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратди. Мактаб кутубхонаси 7000 дан зиёд дарслик ва бадиий адабиётлар билан бойитилди. Информатика хонаси тўлиқ компьютерлаштирилиб, ZiyoNet тармоғига уланди. Бу эса ўқувчи ва ўқитувчилар учун фан янгиликларидан тўла хабардор бўлиш, дунё билан сўзлаша олиш имконини яратди.

Ҳаракатчан, тиниб-тинчимас Зебо Товбоева 2012 йилдан буён 5-умумтаълим мактабининг директори вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. У туман Кенгаши депутати сифатида ҳам мактабда таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш, мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигини мустаҳкам йўлга қўйиш, илм масканини тамомлаган ўқувчиларни коллеж ва академик лицейларга жалб этиш борасида бор кучини сарфлаётир. Бу ҳаракатлар, албатта, ўз самарасини бермоқда. Ҳозирда 5-умумтаълим мактаби вилоятдаги энг намунали илм масканларидан бири. Шу ўринда мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадалари, спорт беллашувларида қўлга киритаётган ютуқларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунончи, 3-синф ўқувчиси Муҳаммад Нуриддинов таэквондо бўйича ўқувчилар ўртасида ўтказилган мусобақаларда фаол қатнашиб, уч карра Республика чемпиони бўлди. Мактабнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчилари — Рустам Ўринов ва Беҳзод Усанов "Янги авлод" ёшлар фестивалида "Тасвирий санъат ва графика" йўналиши бўйича қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин олишди.

Ўқитувчилик фахрли ва шарафли касб. Буни жуда яхши англаган Зебо Товбоева ана шу шарафли касбига масъулият билан ёндашиб, уни уддалаб келаётир.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ**

Самарқанд Вилояти

**Қишлоқда туғилганман. Ўн бир ёшимда амакимнинг қизи Умида Жуманиёзовага эргашиб, Самарқанд тумани Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 1-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг 21-умумтаълим мактабида ташкил этилган самбо гуруҳига қатнай бошладим.**

## СИЗГА ЭЪЗОЗ, СИЗГА ЭҲТИРОМ!

Биринчи мураббийим Жавҳар Жабборов спортнинг самбо, дзюдо, кураш турлари сир-асрорларини астойдил ўргатди.

Унинг ўгитлари, йўлйўриқлари даставвал вилоят, кейинчалик мамлакат миқёсида ўтказилган қизлар ўртасидаги мусобақаларда ўз самараларини бера бошлади. Ўзбекистон хотин-қизлар миллий терма жамоасига қабул қилиндим. Устозларимнинг доимий қўллаб-қувватлаши натижасида қатор ўқув-спорт машғулотларига қатнашиб, ўз маҳоратимни ошириб бордим. Мамлакатимиз ва жаҳон миқёсидаги турли нуфузли чемпионатларда иштирок этдим.

Меҳнатим самараси тезда ўз натижаларини кўрсатди, мамлакат чемпиони бўлдим, дунёнинг қатор мамлакатларидан энг кучли самбочи қизлар иштирок этган Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритдим. 2011 ва 2013 йилларда икки карра "Самбо юлдузлари" жаҳон чемпионатида совринли учинчи ўринни эгалладим.

Эришилган муваффақиятларнинг асосий омили мамлакатимизда ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун кенг имконият ва шароитлар яратиб берилаётганида деб биламан. Қолаверса, устозларим — Жавҳар Жабборов, Миршавкат Жўраев, Фарҳод Қурбоновларнинг фидойи меҳнати ва меҳри туфайли спорт сирларини пухта эгалладим. Президентимизнинг биз ёшларга кўрсатаётган беқиёс ғамхўрликларига жавобан жаҳон миқёсида ўтказиладиган йирик мусобақаларда юртимиз байроғини янада баланд кўтаришда ўз ҳиссамни қўшсам дейман.

**Мавсума ЖУМАЕВА,**
*Спорт устаси, Мамлакат миллий терма жамоаси аъзоси, Самбо бўйича Осиё чемпиони.*



# ЎҚИТУВЧИЛАР ОИЛАСИ

Самарқанд шаҳридаги Сўзангарон тиббиёт коллежи ўқитувчилари Акмал Қуйланов ва Лобар Қуролова оиласи намунали ёш оилалардан.

Ёшлар камолоти йўлида беш йилдан буён биргаликда меҳнат қилиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келаётган Акмал ва Лобар илм-маърифатни юксак қадрлайди ҳамда бахтли оила асосини айнан шунда, деб билади.

**СУРАТДА:** *Акмал Қуйланов ва Лобар Қуролова фарзандлари Руҳшона ҳамда Акобир билан.*

**Алишер ИСРОИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

Наманган Вилояти

# Баркамол авлод – юрт таянчи

## МАМЛАКАТИМИЗДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ, ЁШЛАРИМИЗНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИГА ЭРИШИШ МАҚСАДИДА КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

**Учқўрғон шаҳридаги 20-сонли давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернатида 300 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Таълим муассасасида спортнинг асосан футбол, бокс, енгил атлетика ҳамда кураш турлари бўйича машғулотлар олиб борилади. Бундан ташқари, бу ерда мунтазам равишда спортнинг 27 йўналиши бўйича спорт секциялари ва тўгаракларида ўқув машғулотлари олиб бориш йўлга қўйилган. Бунинг учун эса бир вақтнинг ўзида 400 нафар ўқувчи шуғулланишига мўлжалланган учта спорт зали, футбол ўйингоҳи, кичик футбол майдончаси, волейбол, баскетбол майдонлари ишлаб турибди.**



Ушбу даргоҳда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, пухта билимли, кенг дунёқарашга эга, етук маънавиятли этиб камол топтириш мақсадида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун барча шароитлар яратилган. Хусусан, замонавий "Ахборот ресурс маркази", ётоқхона, ошхона, ҳаммом, дам олиш хоналари, мажлислар зали, маънавият ва тиббиёт хоналарида яратилган шароит ва қулайликларга барчанинг ҳаваси келади. Улар ўқувчи-ёшларни ҳар тарафлама етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишларига хизмат қилаётир.

46 нафар ўқитувчи ва мураббий ўқувчиларнинг иқтидорини юзага чиқаришга, уларнинг маҳоратларини оширишга хизмат қилмоқда. Ўқувчилар орасидан иқтидорли спортчиларнинг йилдан-йилга ортиб бораётгани эса уларга янги куч ва ғайрат бағишламоқда. Айниқса, Исроилжон Муродов мураббийлигида камол топаётган ёш футболчилар эришган мувафаққиятлари барчани руҳлантириб юборди.

Мазкур билим маскани ҳаёти билан танишар эканмиз, биргина ўтган йилнинг ўзида ўқувчилар турли спорт мусобақаларида иштирок этиб, жами 157 та медални қўлга киритгани маълум бўлди. Шундан 42 таси олтин, 59 таси эса бронза медалларидир. Мактаб интернат ўқувчиларининг 2003 йилдан бери жамланган медаллари сони эса 818 тани ташкил этди.

Яқинда эса ушбу мактаб тарбияланувчиларидан ташкил топган футбол жамоаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги футбол бўйича давлат ихтисослаштирилган мактаб интернатлари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда ўн еттинчи маротаба ўтказилган футбол мусобақасининг республика (финал) босқичида иштирок этиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Эртасини ўйлаган халқнинг келажаги буюк бўлади. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган ютуқлардан дилимиз янада равшанлашади, қалбимиз ғурурга тўлади. Соҳани янада тараққий эттириш асосий вазифалардан этиб белгилангани эса келажакка қаратилган эътиборнинг ёрқин далилидир. Буларнинг барчасида инсон омили, унинг манфаатлари, келажагимиз ворисларини баркамол этиб вояга етказишдек эзгу мақсад мужассамлашгандир.

– Бизнинг вазифамиз эса яратилган шароитдан унумли фойдаланиб, янада юксак марраларни забт этишдан иборат, – дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Каримахон Қорабоева. – Ахир шогирд тайёрлаб, унинг ортидан раҳмат эшитиш ҳар бир мураббийнинг орзуси. Шогирдлар камолини, уларнинг муваффақиятини кўриш устозларга завқ беради. Мактаб-интернатимизда эса ўз ишини севадиган, шогирдлари камолидан хурсанд бўладиган жонкуяр ва фидойи мураббийлар кўп.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

# ТАЪЛИМ – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Истиқлол йилларида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ўқитувчи ва мураббийлар меҳнатини қадрлаш, уларни муносиб рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим тизимини ривожлантиришга доир бошқа қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳадаги ишларни изчил такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Фарғона вилоятида ҳам соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг ижобий самаралари ҳақида тўлқинланиб сўзлаш мумкин.

– Президентимиз таъкидлаганларидек, бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва амалий касб-ҳунарларга эга бўлган ёшларгина мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкин, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилла Тешабоев. – Ана шундай ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш биз педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди. Бунинг учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилган. Таълим муассасаларимиз замонавий тарзда бунёд этилиб, халқаро стандартларга мос тарзда жиҳозланган. Бугунги тезкор даврда ўқув-тарбия жараёнига илғор педагогик тажрибалар ва усулларни жорий этмай туриб, юқори самарадорликка эришиш қийин. Шу боис, фаолиятимизда ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Айни пайтда вилоятда 917 та умумтаълим мактаби, 3 та Меҳрибонлик уйи, 644 та мактабгача таълим муассасаси, 20 та "Баркамол авлод" болалар маркази, 52 та спорт, 29 та мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатмоқда. Бошқарманинг ҳудудий тармоқларида "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижроси доирасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида 61 миллиард 275 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Ўтган йиллар давомида вилоятдаги 836 та умумтаълим мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада ушбу таълим муассасалари нафақат гўзал ташқи ва ички кўринишга эга бўлди, балки замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Бу каби эзгу ишлар ўтган ва жорий йилларда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, спорт, шунингдек, мусиқа ва санъат мактаби биноларининг замонавий тарзда бунёд этилиши ҳамда реконструкция қилиниши спортсевар ва санъатсевар ёшлар учун муносиб туҳфа бўлди.

Таъкидлаш жоизки, вилоятда таълим муассасаларининг моддий-техника ва ўқув базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнига янги стандартлар, илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга доир ишлар изчил давом эттирилмоқда. Ўқитувчи ва мураббийлар малакасини, уларнинг педагогик маҳоратини жаҳон андозаларидан келиб чиққан ҳолда ошириб боришга доимий эътибор қаратилаётир. Албатта, олиб борилаётган бу каби кенг кўламли чора-тадбирлар юқори самарадорликни таъминламоқда.

– Халқ таълими муассасаларида фаолият кўрсатаётган кадрларни тегишли педагогик мутахассисликларга қайта тайёрлаш бўйича қатор ишларни амалга ошириб келяпмиз, – дейди вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори Муҳаммаджон Аҳмедов. – Ўтган йили шу мақсадда 824 ўқитувчи қайта тайёрловнинг тўлиқ курсини ўтаган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткич 900 га яқинни ташкил этяпти. Бундан ташқари, Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ҳам қатор чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, жорий йилнинг апрель-август ойларида 2564 нафар инглиз, немис, француз тиллари ўқитувчиси тажрибали педагоглар томонидан қайта тайёрланди.

Доимий тарзда ўтказиб келинаётган фан олимпиадалари, билимлар беллашуви каби тадбирлар ўқувчи-ёшларнинг олган билимларини янада мустаҳкамлаш, ўз қобилият ва иқтидорини намойиш этишига ҳамда янги истеъдодларни кашф қилишга хизмат қилмоқда. Бу йил билимлар беллашувининг республика босқичида иштирок этган 37 нафар ўқувчи Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги "Қуёшли" оромгоҳида ташкил этилган "Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи"га юборилди. Умуман олганда, фарғоналик ўқувчилир мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилиб келинаётган турли кўрик-танловлар ҳамда бошқа тадбирларда фаол иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллашмоқда. Бу эса вилоятда меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчилар меҳнати маҳсулидир.

Таълим муассасаларидаги замонавий спорт залларида ўқувчилар кураш, белбоғли кураш, каратэ, енгил атлетика, югуриш, баландликка сакраш, волейбол, футбол, баскетбол ва спортнинг бошқа турлари бўйича мунтазам шуғулланиб келмоқда. Бугун ўқувчи-ёшлар орасида нафақат вилоят, балки республика ва халқаро миқёсидаги спорт мусобақаларида чемпион бўлганлар кўпчиликни ташкил этади. Мисол учун биргина жорий йилнинг ўзида Ўғилой Абдулазизова, Шоҳида Комилова, Феруза Асқарова, Гулирухсора Ҳошимова, Дурдона Узоқова, Миразизбек Мирзаҳалилов, Самир Усмонов турли спорт мусобақаларида ғолиблар сафидан жой эгаллашди.

Фарғона шаҳридаги иккинчи, Қўқондаги бешинчи, Олтиариқ туманидаги биринчи ва тўртинчи ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари ҳамда Олтиариқ туманидаги бешинчи, Қўқон шаҳридаги биринчи ва бешинчи, Марғилон шаҳридаги ўнинчи таълим масканларида эришилаётган ютуқлар, айниқса салмоқли бўляпти. Ушбу таълим масканлари раҳбарлари Соҳибжамол Тонготарова, Илёс Қодиров, Нигора Мухторова, Каримахон Рўзибоева, Ҳомиджон Раҳимов, Зафар Хотамовнинг иш тажрибалари ҳам таҳсинга сазовордир. Турли умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган устоз-педагоглар Зарифа Тиллабоева, Собитали Умрзоқов, Замира Ҳакимова, Сабохон Маърупова, Гавҳарой Тожибоева, Ёқутхон Қорабоева, Муҳаббатхон Матмусаева ўзининг бой тажрибаси, дарс жараёнида янгича методларни қўллаши билан бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

– Бугун ишлаган одамнинг меҳнати муносиб тақдирланяпти, – дейди Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Зикрилла Тешабоев. – Масалан, мустақиллик йилларида вилоятимиздаги кўплаб ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг юксак унвонларига сазовор бўлишди.

Ҳа, Фарғонада ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, яратилаётган бу имконияту шарт-шароитларнинг барча-барчаси мустақиллик шарофати эканини улар юрак-юракдан ҳис қилишади.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

**Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида "Жасорат" медали билан тақдирланган шартнома асосидаги оддий аскар Турғун Жўраевнинг (марҳум) ота-онасига давлатимизнинг юксак мукофоти топширилди.**

# ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ

Термиз туманидаги 14-умумтаълим мактабида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари офицер ва сержантлари, Турғун Жўраев ўсиб-улғайган Чегара маҳалласи фаоллари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида замонавий профессионал миллий армиямиз шаклланганi, ҳарбий қисмларда ҳар томонлама соғлом муҳит юзага келиб, қўшинларнинг сифат таркиби тубдан ислоҳ қилингани юртимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашда юксак самаралар бераётгани, мард, жасур ёшларимиз учун Ватан ҳимояси нафақат конституциявий бурч, балки юксак шон-шараф ишига айлангани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари оддий аскари Турғун Жўраев мамлакатимиз хавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек шарафли хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришди. Зиммасига юклатилган масъулиятли вазифани виждонан бажариб, ўз билими, касб маҳорати ва жасурлиги билан кўпларга намуна бўлди. Оддий аскар Турғун Жўраев халқимизнинг тинч, фаровон ҳаётини, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган.

Маросимда Турғун Жўраевнинг отаси Эркин Бегимовга давлатимизнинг юксак мукофоти – "Жасорат" медали, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Ватанга содиқ, фидойи фарзандни тарбиялаб, вояга етказган Эркин Бегимов оиласига чуқур миннатдорлик билдирилди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ**
**ЎзА мухбири.**

Қорақалпоғистон Республикаси

# УСТОЗ МУВАФФАҚИЯТИ ШОГИРДГА ИБРАТ

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда янгича фикрловчи, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, юртимиз истиқболи, эртанги куни келажагимиз ворисларига яратилган шарт-шароит ва уларнинг қай даражада таълим-тарбия олишларига боғлиқ.**



Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қонликўл туманидаги 4-умумтаълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Роза Алланиязова таълим жараёнларида илғор педагогик технологияларни амалиётга кенг тарғиб қилаётган фидойи муаллимлардан биридир. У истиқлолимизнинг йигирма икки йиллиги тантаналари арафасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими деган шарафли номга мушарраф бўлди.

Роза Алланиязова оддий қишлоқ муаллимаси. Ўқитувчилар оиласида улғайган Розанинг касбига меҳри бўлакча. Ўқувчилари қалбига илм зиёсини таратиш борасида тиним билмайди. Ўз устида доим изланади.

Устоз шогирдлари камолини кўриб бир қувонса, юртимизда ўзининг камтарона меҳнати қадр топганидан яна бир карра фахрланади.

— Менинг камтарона меҳнатларим юксак унвонга лойиқ топилгани таълим соҳаси ходимлари меҳнатига берилган улкан баҳо, ўқитувчилик касбига кўрсатилган чексиз эҳтиром ифодасидир, — дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Роза Алланиязова. — Бугун мустақиллик шарофати билан юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, янги қурилаётган замонавий мактаблар, муҳташам коллеж ва лицейлар, олий таълим даргоҳларини, ёшларнинг билимли, теран тафаккур эгаси бўлиб камол топишлари учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бу борада биз педагоглар ҳам ёшларнинг таълим-тарбиясига бирдек масъулмиз. Айниқса, қорақалпоқ тили ва адабиёт фанига ўқувчиларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда мавзуга ижодий ёндашишни талаб этади. Бу борада илғор педагогик технологиялардан, ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир ўқувчининг имкониятi, феъл-атворини инобатга олган ҳолда индивидуал ёндашиш лозим. Чунки ўқувчининг ички дунёсини пухта ўрганиш, билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шунга амал қилган ҳолда 45 дақиқадан иборат дарс мобайнида ўқувчиларимни зериктириб қўймасликка ҳаракат қиламан. Дарсни турли мавзудаги ижодий ишлар, тест, таълимий ўйин ва бошқотирмалар билан олиб боришга ҳаракат қиламан.

Ҳа, Роза Алланиязова ҳар бир дарсни қизиқарли ва ўзгача қилиб ўтишга ҳаракат қилади. Унинг ташаббуси билан мактабда «Адабиёт» тўгараги ташкил этилган. Тўгарак машғулотлари нафақат синфда, балки жонкуяр муаллима ташаббуси билан очиқ осмон остида, табиат қўйнида ҳам ташкил этилади. Шунингдек, тўгарак аъзолари билан тарихий жойларга саёҳатлар уюштирилиб турилади. Бу ўқувчиларнинг адабиёт фанига бўлган қизиқиши ва иштиёқини оширади.

Айтиш жоизки, Қонликўл туманидаги 4-умумтаълим мактабида устоз-шогирд анъанаси яхши йўлга қўйилган. Бу борада тажрибали муаллимлар ёш педагогларга касб сирларини, кези келганда, йўл-йўриқ ва амалий ёрдамларини кўрсатишади. Биргина Роза Алланиязова фаолиятидан қиёс. Роза устози Дариха Қутлимуратова билан дарс ўтиш жараёни бўйича маслаҳатлашиб, ўзи ҳам шогирдларига бор билим ва тажрибаларини ўргатади.

— Устозимизга ҳавас қилиб шу касбни танлаганмиз, — дейди шу мактабнинг ёш ўқитувчилари Гулистон Сейтназарова ва Боғдахон Юсупова. — Ҳозирда ҳам уларнинг маслаҳатларига амал қилиб иш фаолиятимизни олиб боряпмиз.

Мурғак қалбларга зиё улашиб, уларнинг таълим-тарбиясида жонбозлик кўрсатаётган Роза Алланиязова сингари фидойи устозларимиз бизнинг фахримиздир.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Тошкент Вилояти

# МЕҲР ВА ЭЪТИБОРГА ЙЎҒРИЛГАН САБОҚ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида халқ таълими ходимларининг меҳнати муносиб рағбатлантирилиб, қўллаб-қувватланаётгани ўқитувчиларнинг янада фаол ишлаши, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ва билимли этиб тарбиялашида муҳим омил бўлмоқда.



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ўқитувчилар малакасини ошириш, замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада яхшилаш, педагогларнинг ўз устида ишлаши, изланишида, дарсга илғор педагогик технологияларни жадал жорий этишида янги босқични бошлаб берди. Кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлардан илҳомланган Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 45-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси Муяссар Тоғажонова илғор педагогик фаолияти билан ҳамкасбларига ибрат бўлаётир.

– Ўқитувчи бўлишни болаликдан орзу қилардим, – дейди М.Тоғажонова. – Президентимиз раҳнамолигида педагоглар меҳнати улуғланаётгани, ёшларга фан сирларини чуқур ўргатиш учун барча қулайликлар яратилаётгани бизни янада фаол, катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда. Мактабимизда ўқувчиларнинг чуқур билим олиши учун барча зарур шароит мавжуд. Кенг ва ёруғ синфхоналар замонавий усулда жиҳозланган, зарур кўргазмали қуроллар билан таъминланган. Тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

2002 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг чет тиллар факультетини инглиз тили йўналиши бўйича тамомлаган М.Тоғажонова дарсларни интерфаол усулда ўтишга ҳаракат қилади. Ўқувчиларни юртимизнинг ўтмиши, бугунги гўзал қиёфаси ва аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, сўнмас жасорати билан яқиндан таништириб боради, дарс жараёнида қўшимча адабиётлардан кенг фойдаланади. Айни пайтда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади, мавзулар юзасидан болалар фикрини билишга интилади.

Тажрибали муаллима 2012 йилда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган илғор педагоглар ҳамда уларнинг илмий тадқиқот ишлари учун грант дастурида "We learn English" (Инглиз тилини ўрганамиз) лойиҳаси билан қатнашди ва ғолиб чиқди. Муаллима Президентимизнинг 2012 йил 27 сентябрь куни қабул қилинган "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига биноан "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

– Бошланғич синф ўқувчиларига дарс бериш ўқитувчидан катта масъулият, сабр-қаноат ва ирода талаб қилади, – дейди М.Тоғажонова. – Чунки болаларнинг мактабга илк қадам қўйган даврда олган билими келажагини белгилашда муҳим омил бўлади. Ўқитувчи эса ҳар бир дарсни ўтаётганда болага билим билан бирга меҳр ва эътибор бериши керак. Таълим билан тарбияни уйғун олиб бориш педагогиканинг энг муҳим талабларидандир.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

## «ТУРАН КИМ-ЗЫЯТ САУДАСЫ» МЧЖ

БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 апрелдаги 1743-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 25 сентябрдаги 148-П, 149-П, 150-П, 151-П, 152-П ва 153-П-сонли буйруқларига асосан қуйидаги давлат объектлари қўйилмоқда:**

**1.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Ата уба» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 4978,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 1100,92 кв. метр, фойдаланиш майдони 1160,92 кв. метрдан иборат бўлган «Саҳро» болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси. Бошланғич баҳоси – 572 839 000 сўм.

**2.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани Туямўйин посёлкасида жойлашган, умумий ер майдони 3000,0 кв. метр, қурилиш ости майдони 852,0 кв. метр, фойдаланиш майдони 1151,84 кв. метрдан иборат бўлган «Жайхун» болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси. Бошланғич баҳоси – 542 712 500 сўм.

**3.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «А.Дурдиев» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 4076,0 кв. метр, қурилиш ости майдони 1405,0 кв. метр, фойдаланиш майдони 1505,34 кв. метрдан иборат бўлган «Гўзал» болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси. Бошланғич баҳоси – 695 963 900 сўм.

**4.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Пахтачи» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 3270,55 кв. метр, қурилиш ости майдони 1053,0 кв. метр, фойдаланиш майдони 1233,95 кв. метрдан иборат бўлган «Чаман» болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси. Бошланғич баҳоси – 587 599 500 сўм.

**5.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Аккамиш» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 5000,0 кв. метр, қурилиш ости майдони 883,90 кв. метр, фойдаланиш майдони 467,28 кв. метрдан иборат бўлган №1-сонли болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси. Бошланғич баҳоси – 287 108 800 сўм.

**6.** Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани «Тозабогеп» ОФЙда жойлашган, умумий ер майдони 5300,0 кв. метр, қурилиш ости майдони 906,84 кв. метр, фойдаланиш майдони 467,28 кв. метрдан иборат бўлган №22-сонли болалар боғчасининг фойдаланилмай бўш турган эски биноси. Бошланғич баҳоси – 297 296 100 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 31 октябрь куни соат 11:00 да Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри А.Темур кўчаси 112А-уйда Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йилнинг 31 октябрь кунги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий савдолари 2013 йилнинг 15 ноябрь, 29 ноябрь, 14 декабрь ва 28 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

**Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар:**

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;
- аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда савдо ташкилотчиси «Туран Ким-Зыят Саудасы» МЧЖнинг «Турон банк» Нукус филиалининг МФО 00585, СТИР 301273292, 20208000904792701001 ҳисобрақамига гаров пули тўлайдилар. Гаров пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси илова қилиниши шарт.

Аризалар қабул қилиниши мазкур эълон чоп этилган кундан бошлаб савдо ўтказилиши белгиланган кундан бир кун олдин соат 18:00 гача ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри А.Темур кўчаси 112А-уй Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси биноси, 117-хонасида қабул қилинади.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдо ғолиби билан 20 кун ичида олди-сотди шартномаси имзоланади.

**Қўшимча маълумотлар учун телефон:** (8-361) 222-00-84. **Расмий сайтимиз:** turan kzs.kr.uz. **Лицензия:** RR-0041.

Қуйидаги турдаги
**ПОЛИПРОПИЛЕН ШПАГАТЛАРИ**
пул кўчириш йўли билан **сотилади:**
1. Сомон, хашак боғловчи (сеновязальный).
**«Пресспод-борщик» машиналари** учун.
2. Хўжалик ишлари учун (упаковочный).




*Маҳсулот сертификатланган.*

**Тел: (+99893) 382-89-14, 582-57-95.**

ЧП "SHERZOD COLOR" (ИНН 302333343) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента расположенное по адресу: 2 пр. ул. Тирсакобод, д. 9, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 30.09.2013 г.) Претензии принимаются в течении 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 995-76-22.

Тошкент ш. Сергели т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "LAZIZA ASLZODA BIZNES" (СТИР 302663455) МЧЖга тегишли думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вил. Зангиота т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "XALQ TRANS SERVIS PLYUS" МЧЖга тегишли Гувоҳнома, Устав, Таъсис шартномаси, думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "OPTIMIST FOREVER" ХК устав жамғармаси 2 500 000 сўмдан 50 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади. Тел.: 399-07-60.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш" кафедраси мудири, доцент Соҳиб Исламовга волидаи муҳтарамаси **ТУТУШОЙ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

# 1 ОКТЯБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ

*Қалбларга зиё улашиб, фарзандлар таълим-тарбиясида жонбозлик кўрсатаётган фидойи устозлар – ўқитувчи ва мураббийларни байрам билан муборакбод этамиз! Улар бор экан, эртанги кунимиз янада нурафшон бўлажак. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, агарки дунё иморатларининг ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир. Ана шундай шарафли фаолиятингизда муваффақиятлар доимо ёр бўлсин, азиз устозлар!*

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**



○ Реклама ўрнида

# Qishloq Qurilish Bank

**Ҳурматли устозлар!**
**ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” барчангизни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади!**

**Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ҳамда улуғвор ишингизга омадлар тилаймиз. Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга қуйидаги янги омонат турларини таклиф этамиз:**

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**
“Мураббий” — муддати 5 ой
“Ният” — муддати 1 йилдан 5 йилгача
“Мустақил диёр” — муддати 2 ой
“Ҳумо” — муддати 2-6 ой
“Истиқлол” — муддати 6 ой

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**
“Стимул” — муддати 1-3 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93
www.qqb.uz

**Қишлоқ қурилиш банк — фаровон ҳаётингиз хизматида!**

**Хизматлар лицензияланган.**

# ТАБРИГИМИЗ СИЗГА, АЗИЗЛАР!

*Мамлакатимиздаги барча устоз ва мураббийларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этамиз. Машаққатли ва шарафли касб эгаларининг ёш авлод қалбига зиё таратиш, билим беришдек улуғ ишларига ривож, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги эзгу ишларида омад тилаймиз.*

**ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ҲАМДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ**

○ Реклама ва эълонлар

# МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

**Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд**

- Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- “Беларусь” (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Шины различных моделей



маҳсулот сертификатланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

“ELCHI AVTOSERVIS” (ИНН 301176279) МЧЖга тегишли бўлган гувоҳнома (№ 004866-08, 07.05.2008 й.) ва устав йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Тел.: 305-86-03, 595-07-80.

Постоянное учреждение “WERFEN S.A.” — ООО “Airprodsnab” (ИНН 206921514), зарегистрированное в ГНИ Сергелийского р-на, ликвидируется. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. Олтин водий, 59, тупик 2.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (27.04.2011 й., реестр № 003335-07), Ҳамза т. Латофат кўч. 22-уй манзили бўйича рўйхатга олинган “ANSEF STROY INVEST” МЧЖ (СТИР 301971571) тугатилади (ўз-ўзини тугатиш тўғрисидаги 24.09.2013 й.даги 1-сонли баённома). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 191-91-02 тел. орқали қабул қилинади.

Дочернее предприятие “OILA TIBBIY MARKAZI” (ИНН 202586997), зарегистрированное решением хокима Хамзинского р-на (05.06.1998 г., № 627) по адресу: Хамзинский р-н, ул. Ахунбабаева, д. 15, ликвидируется (решение о добровольной ликвидации приказ № 28 от 23.09.2013 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: (+99890) 315-02-70.

ООО “SETKA-METALLOPLAST” (ИНН 302571530) расположенное по адресу: г. Ташкент, Хамзинский р-н, 1-ый проезд М.Ашрафий д. 74, зарегистрированное ИРСП Хамзинского р-на (09.04.2013 г., реестр № 004421-07), ликвидируется (решение учредителя о добровольной ликвидации от 27.09.2013 г. № 1). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: (90) 128-60-53.

Тошкент вил. Оҳангарон т. Агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига тегишли бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный вкладыш с оценками к диплому № 238012 выданный 22.05.1998 г. Ташкентским Авиационным колледжем им. Ю.А.Гагарина на имя Лебедева Александра Сергеевича, считать недействительным.

Утерянный угловой штамп, выданный хокимиятом Чиланзарского р-на на ООО “PAK TEX GROUP” считать недействительным.

Тошкент ш. Учтепа т. Факирий 1-тор кўч. 3-уйга тегишли Домовой китоби (домовая книжка) ва уй план ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянную справку (Форма-18) № 3123 от 12.09.2013 г. на куплю-продажи квартиры по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Урикзор, д. 157, кв. 39 выданную кадастровой службой Яккасарайского р-на на имя Абидовой Софии Раджабовны, считать недействительной.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 002051-01, 06.03.2008 й.) рўйхатдан ўтган “MIORA TRADING” (ИНН 300749601) МЧЖ Устав фонди 7 100 000 сўмдан 4 000 000 сўмга камайганлигини маълум қилади. Даъволар 2 ой ичида 307-10-59 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный план квартиры расположенной по адресу: г. Ташкент, Юнус абадский р-н, Юнус абад-18, д. 41, кв. 36 выданный кадастровой службой Юнус Абадского р-на на имя Зияева Бехзода Тахировича, считать недействительным.

ЧП “CHANTIK KONSULTANT” (ИНН 300990859) зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улугбекского р-на г. Ташкента (реестр № 004258-04, 25.11.2008 г.) расположенное по адресу: ул. Неъмат, д. 55, ликвидируется, протокол № 1 от 25.09.2013 г. Претензии принимаются в течении 2 месяцев со дня публикации объявления. Тел.: 262-35-70, 998-73-79.

ООО “SHARQ JAHON TEXNO” (ИНН 302149365) сообщает о преобразовании в Иностранное предприятие “SHARQ JAHON TEXNO” в форме ООО. ИП ООО “SHARQ JAHON TEXNO” становится собственником своего имущества, а также правопреемником всех долгов и обязательств ООО “SHARQ JAHON TEXNO”. Претензии принимаются в течении 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Шота Руставели, д. 53 “б”.

**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-44-43, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 297-44-09; **Навоий** – (+99891) 537-14-36; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99891) 537-24-95; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**Реклама ва эълонлар:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** А.НУРУЛЛАЕВ
**Мусаҳҳиҳ:** Д.КАМОЛОВ
**Дизайнер:** М.БОБОМУҲАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.50 15573 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | **Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | **E-mail:** info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5